

Илм-адаб ахли орасида кўпдан бери «Бухоро тарихи», «Наршахий тарихи», «Бухоро хабарлари», «Бухоро вилоятининг тахкики» номи билан машхур бўлган асарнинг муаллифи Абубакр Мухаммад ибни Жаъфар Наршахийдир. Наршахий 943 йили Бухоро вилоятига карашли Наршах мавзесида тугилган. Ёшлигидан кадимги тарих, жугрофия, араб тилини пухта ўрганган, мадрасада тахсил кўрган. Олимнинг вафот этган йили номаълум. Бизгача унинг «Бухоро тарихи» китоби етиб келган. Бу асар Ўрта Осиё тарихнавислигининг тўнғич асари бўлиб, Сомоний амирларидан Нух ибни Наср Сомоний (942—954 йиллари хукмронлик килган) топшириги билан ёзилган. Асар араб тилида битилган бўлиб, асл нусхаси бизгача сакланиб колмаган ёки хали топилмаган. Муаллиф китобни битишда бизгача етиб келмаган айрим арабий китоблар хамда ўзининг шахсий кузатишларидан фойдаланган. «Бухоро тарихи» 1192 Пили Абу Наср Ахмад ибни Мухаммад ибн Наср ал-Кубовий томонидан форсийга ихчамлаштирилиб, таржима килинган; худди шу нусхани 1198 йили Мухаммад ибн Зуфар ибн Умар кайта тахрир килиб, 1178—79 ииллар вокеаларини илова килган. Кейинчалик хам бу китоб бир неча марта тахрир килиниб, унга мўгуллар истилосигача бўлган даврдаги Бухоро тарихи вокеаларини хамрох этган. «Бухоро тарихи»нинг ўзбекча таржимасига сўзбоши ёзган тарих фанлари доктори Ўринбоевнинг уктиришича, таржимон Абу Наср Ахмад Наршахийнинг араб тилидаги нусхасидан мавжуд бўлган баъзи мавзуларни ташлаб кетиш билан бир каторда асарга катга тарихий кимматга эга бўлган кўпгина маълумотларни кўшган ва бунда у ўз давридан илгариги вокеаларни ёритиш учун бошка тарихий манбалардан фойдаланган. Бу манбалардан бири Абу Наср Ахмаднинг ўзи кўрсатиб ўтган Абулхасан Абдурахмон (ибн) Мухаммад Нишопурийнинг «Хазойинул-улум» номли асаридир. Бу асарнинг бизнинг давримизгача етиб келган-келмаганлиги маълум эмас. Аммо ундан келтирилган «Бухоро тарихи»даги сатрларнинг ўзи хам Абулхасан Абдурахмоннинг китоби нақадар мухим бир тарихий манба бўлганлигини кўрсатади. Бундан ташқари мутаржим ва тахрирчилар асар вокеаларидан келиб чиқиб, фасл хамда сарлавхалар кўйиб чикканлар.

«Бухоро тарихи» бошка шу хилдаги китоблар сингари алохида бобларга ажралмайди. Унда Наршахий Бухоро шахри, унга тобе бўлган нохиялар, кишлоклар, махалла, бозор, амалдорлар, бинолар, киборларнинг манзилгохлари, Бухоро тангалари, бу ерда жорий этилган олик-солик турлари, шахарни Кутайба ибни Муслим томонидан забт этилиши, Мовароуннахрда ислом динининг жорий килиниши, сомонийлар сулоласи ва хукмронлигини гоятда изчиллик билан тадрижий такомилда баён этган. Бошка тарих китобларидан бу асарнинг фарқи шундаки, олим хар бир манзил халкининг касбкори, одати, диний ва маданий удумлари, хунармандчилик махсулотлари хакида кенг маълумот беради.

Маълумки, форсий тил ва ундаги адабиётнинг асосчиси Абу Абдулло Рудакийнинг «Жўйи бўйи Мулиён ояд хаме» мисраси билан бошланадиган касидаси оркали Бухорода Мулиён анхори бўлганлигини билар эдик. Наршахий маълумотларидан бизнинг у хақдаги тасаввуримиз янада бойийди. Манзилгохларни таърифлаган Наршахий ёзади: «Жўйи Мулиён» ерлари кадим вақтларда Тогшоданинг мулки бўлиб (Бухоронинг хокими— Х. Х.), у ўз фарзанди ва куёвларининг хар бирига таксимлаб берган эди. Мархум амир Исмоил

Сомоний бу ерларни халифа ал-Мустаъин ибн ал-Мутасимнинг лашкарбошиси бўлган Хасан ибни Мухаммад ибн Толутдан сотиб олди. Амир Исмоил Жўйи Мулиёнда саройлар ва боғлар барпо қилиб, унинг кўпроқ қисмини маловийларга (озод этилган куллар. Улар амир гвардиясида хизмат қилган — Х. Х.) вақф қилди.

У хозиргача ҳам вақф. Амир Исмоил доим ўз маловийларига гамхўрлик кўрсатиб келар эди.

Бир куни Амир Исмоил Бухоро хисори (калъаси)дан Жўйи Мулиёнга қараб турганида унинг ёнида отасининг мавлоси Симоул-қабир — «Улуг сиймо» турган эди. Амир Исмоил уни дўст тутар ва яхши кўрар эди, унга қараб: «Бир вақти келса Худой таоло бирор сабаб тугдириб, бу ерларни сизлар учун сотиб олсам ва менга умр берса, бу ерларни сизларники бўлганини кўрсам, чунки бу ерлар Бухоронинг барча ерларидан қимматлироқ, яхшироқ ва хушхаворокдир», дейди. Худой таоло насиб эгиб, амир Исмоил ул ерларни сотиб олиб мавлавийларга берди ва у ерлар Жўйи Мавлиён, деб аталди. Кўпчилик халқ эса уни Жўйи Мулиён, деб атайдилар».

Биз тарих китоблари, бадиий асарларни ўқиганимизда кўпинча риёкор, золим, кишиларни ноҳақ жазога ҳукм этадиган, шоху феодалларнинг лаганбардори — қозилар ҳақидаги маълумотларга ёки тасвирга учрар эдик. Наршахий бўлса, Бухорода қозилик қилган одамлар ҳақида гапирганда уларнинг инсонпарвар, ҳалолу пок, адолатпешаликларини алоҳида ифтихор билан тасвирлаган: «Яна қозилардан бири Абу Зар Мухаммад ибн Юсуф ал-Бухорий бўлиб, у раҳматли Имом Шофийнинг суҳбатдошлари жумласидан ҳамда олим ва зоҳид эди. Уни барча Бухоро олимлари орасида юқори кўяр эдилар. У кишини яширин пора бериш ва ҳар хил йўллар билан синаб кўрдилар, аммо у бирон нарса билан ҳам ўзини булгатмади, балки кундан-кунга ундан адолат ва инсоф равшанроқ содир бўлди... Аҳмад ал-Марвазий ас-Сулабий кўп йиллар давомида Бухорода қозилик қилди ва заррача ҳам ўзига айб юқтирмади. У барчага баробар адолат ва инсоф юзасидан иш кўрар ҳамда унинг даврида олимлик ҳамда зоҳидликда бутун дунёда унга тенг келадиган киши йўқ эди».

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Наршахий у ёки бу шаҳар, манзилгоҳнинг, иморатнинг бунёд этилиши ҳақида гапирганда ном ва атамаларнинг келиб чиқиши, маъносини гоётда аниқлик билан изоҳлайди, у ҳақидаги нақл ва ривоятлардан фойдаланади, воқеалар тафсилотида ҳолис фикр юритади. Муаллиф маълумотларига қараганда, араблар Бухоро атрофидаги энг обод, серҳосил ерларни халқдан тортиб олган экан. Машхур Мулиён анхори бўйидаги хушманзара ерларини ўз она юртининг бир парчасини халифа лашкарбошисидан амир Исмоилнинг сотиб олиши бунга яққол мисол бўла олади. Китобда келтирилган кўплаб далиллар, босқинчиларга қарши халқ кўзғолонлари, ерли халқнинг жасорати ва матонати тасвирлари ўқувчи қалбида ифтихор ҳиссини, ватанпарварлик туйғусини жўш урдиради.

Шунинг учун ҳам «Бухоро тарихи» китоби ўтмишда ҳам, хозир ҳам Гарбу Шарк олимлари диққатини ўзига тортиб келмоқда. Уни 1892 йили Ч. Шеффер француз тилида, 1954 йили Мударрис Ризавий Техронда, 1897 йили Н. Ликошин Тошкентда французчаси, асли ва русча таржималарини нашр эттирган. 1954 йили уни Р. Фрай Кембриж шаҳрида

инглиз тилига таржима килиб, батафсил изоҳлари билан чоп килдирди. «Тарихи Наршахий» машхур шаркшунос А. Расулов томонидан ўзбек тилига таржима килиниб, 1966 ва 1991 йиллари босилиб чиқарилди. Асарни ўрганиш ва тарғиб этишда машхур шаркшунослар Б. Гафуров, Б. Аҳмедов ва А. Ўринбоевларнинг хизматлари катта.

Ҳамиджон Ҳомидов